Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 29 декабрь, пайшанба №188(21.763.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни қабул қилди.

Ислом Каримов Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилганидан буён ўтган қисқа вақт ичида мазкур нуфузли халқаро ташкилот билан Ўзбекистон ўртасида яхши амалий ҳамкорлик йўлга қўйилганини айтди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга тўхталар экан, бу борада БМТ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Холид Малик самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, кўплаб халқаро ташкилотлар жамиятни демократиялаштириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга катта қизиқиш билан қараётганини айтди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Олий Мажлисига демократик тамойиллар ва кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайлов хусусида фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

***

СУРАТДА: қабул пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

ДЕМОКРАТИЯ ТАНТАНАСИ

27 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Россия Федерацияси Давлат Думаси Депутатлари -- Думанинг МДҲ мамлакатлари ва ватандошлар билан алоқа комитетининг шу комитет раиси ўринбосари Г. Чуркин бошлиқ вакиллари қабул қилиндилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловларда кузатувчилар сифатида қатнашишди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов меҳмонларга Халқ демократик партиясининг босиб ўтган қисқа, аммо мазмунли йўли, дастурий мақсадлари ва фаолияти ҳақида, унинг мамлакатимизнинг биринчи демократик парламентига ўтказилган сайловларга кўрган тайёргарлиги, сайловолди Сиёсий дастури, сайловларнинг дастлабки натижалари, партиянинг бундан буёнги режалари хусусида батафсил сўзлаб берди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловларга юқори баҳо беришди. Улар мазкур сайловлар ташкилий жиҳатдан юксак савияда, демократик қоидалар асосида ўтганлигини, сайловчилар уларда фаол қатнашганлигини алоҳида таъкидлашди. Ўзбекистоннинг демократияни чуқурлаштириш йўлидан дадил боришида, дейишди улар, мамлакатингиз раҳбариятининг, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг хизматлари каттадир.

Самимий, дўстона руҳда ўтган суҳбатда парламентлараро ва турдош партиялар ўртасида амалий алоқалар ўрнатиш истаги билдирилди.

Учрашувда Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Сидорский, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. Кочмарик қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МҚ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг партиямиз аъзолари ва республика барча фуқароларига

ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз дўстлар!

Қадрли юртдошлар!

Кўнглимизда олам-олам орзу-умидлар ва пок ниятлар билан 1995 йилни кутиб олмоқдамиз.

Тарих мулки бўлиб қолаётган 1994 йилда мустақил Ўзбекистон Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигида бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий, демократик давлатни бунёд этиш сари дадил қадамлар қўйди, маънавий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклашда салмоқли ютуқларни қўлга киритди, ўзининг тинчликсевар сиёсати билан халқаро майдонда обрў-эътибор топди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар юртимизда демократик тамойиллар тобора кучаяётганлигини, партиямизнинг аҳоли барча табақалари билан алоқалари мустаҳкамланаётганлигини намойиш этди.

Азиз ватандошлар!

Кириб келаётган Янги йилнинг қадами қутлуғ бўлсин! Мамлакатимиз фуқароларининг аҳиллиги ва тотувлигига кўз тегмасин! Ҳур диёримизни гуллаб -- яшнатишга қаратилган меҳнатларимиз янада самарали бўлсин!

1995 йил Сизларга омад, хонадонларингизга қут-барака, ҳар бирингизга бахту саодат келтирсин!

Янги йил билан!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОҚУМИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» Тошкент молия-қурилиш корпорацияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент молия-қурилиш корпорацияси («Тошкентуйжойинвестқурилиш»)ни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Тошшаҳарлойиҳа» институти, капитал қурилиш бош бошқармаси ва «Фариос» фирмасининг «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига ихтиёрий равишда кириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Тошкент молия-қурилиш корпорациясининг тузилмаси тасдиқлансин.

3. Тошкент молия-қурилиш корпорацияси ижроия аппаратининг тузилмасига ва унинг ходимларининг чекланган сони 84 нафардан иборат бўлишига розилик берилсин.

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига раиснинг тўрт ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлиши тавсия қилинсин.

Корпорация раиси ва унинг ўринбосарларига Ўзбекистон Республикаси вазирлари ва вазирларнинг ўринбосарлари учун белгиланган моддий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш шароитлари сақлаб қолинсин.

4.«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига уй-жой облигация заёмини чиқаришга рухсат берилсин.

Белгилаб қўйилсинки,

уй-жой облигациялари (уй-жой сертификатлари) «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг қийматли қоғозлари ҳисобланади ҳамда уларнинг эгалари томонидан миқдори облигация (сертификат)нинг белгиланган амал қилиш муддати давомида ўзгармайдиган муайян миқдордаги умумий уй-жой майдони қурилиши учун маблағ тўланганлигини тасдиқлайди;

уй-жой майдони билан таъминланганликларидан қатъи назар, уй-жой сертификатини сотиб олиш ҳуқуқига Тошкент шаҳрида яшовчилар эга бўладилар;

уй-жой облигацияси йирик панелли уйсозликнинг намунавий уйларида 0,5 кв.метр умумий майдон миқдоридаги номиналга эга бўлади;

муайян турдаги квартира умумий майдонининг 30 фоизига мувофиқ келувчи уй-жой облигацияси туркумининг эгасига, кейинчалик квартира қийматининг қолган ҳақини шартнома тузилган пайтдан бошлаб тўрт ой давомида тўлаган ҳолда, бу квартирани сотиб олиш учун эмитент билан шартнома тузишда имтиёз берилади;

ушбу чиқаришдаги уй-жой облигацияси 1998 йил 1 январгача амал қилади;

уй-жой облигация заёми амал қилиши даврида уй-жой сертификатлари «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси томонидан сертификат эгасига Тошкент шаҳри ҳудудида уй-жой бериш йўли билан, шунингдек, сертификатлар эгаларининг ҳоҳишига кўра, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг уй-жой облигация заёмини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ унга қийматини тўлаш йўли билан тўланади;

1998 йил 1 январдан кейин ушбу чиқаришдаги уй-жой облигациялари навбатдаги чиқариш облигацияларига алмаштирилиши ёки «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг уй-жой облигация заёмини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ облигация қиймати тўланиши керак.

5.«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг уй-жой сертификати заёмини чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

6.«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда уй-жой облигацияси ва уй-жой сертификатига эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳнома намуналарини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

бир ой муддатда уй-жой облигация заёми эмиссияси проспектини ишлаб чиқсинлар ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсинлар. Заём эмиссияси проспекти рўйхатга олингандан кейин уй-жой облигацияларини ва уй-жой облигацияларига эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари «Госзнак» фабрикасида тайёрланишига буюртма берсинлар ва унинг ҳақини тўласинлар.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлигига «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг уй-жой облигацияси эгасига Тошкент шаҳри ҳудудида квартира бериш бўйича мажбурияти юзасидан кафил бўлишига рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига хорижий инвестицияларни жалб этишда, «Ўзбекинвест» миллий сугурта компанияси эса, уларнинг сугурта қилинишини таъминлашда кўмаклашсинлар.

9. Хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлаш учун гаров сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган объектлар рўйхати тасдиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўрсатиб ўтилган асосий фондларни тасарруф этиш ҳуқуқини «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига берсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги гаров шартномаси тузилиши ва амалга оширилиши бўйича ташкилий-ҳуқуқий масалаларни белгиланган тартибда ҳал этсинлар.

10. Белгилаб қўйилсинки, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» молия-қурилиш корпорацияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган маблағлар корпорация ихтиёрида қолади.

11. Пул-кредит сиёсати бўйича комиссия «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига ўзини тиклаб олиш даврида ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда кредит ажратишни назарда тутсин.

12. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 16-уйга жойлашиши белгилаб қўйилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 февралдаги ва 1993 йил 21 июндаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 декабрь.

Ислом КАРИМОВ:

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Ислом Каримовнинг муқобиллик асосида утган умумхалқ сайловида Узбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига уч йил тўлди. Уч йил — тарихан қисқа муддат. Лекин шу вақт мобайнида Узбекистонда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бугун уларни бир карра сарҳисоб қилиш, таҳлил этиш жоиз кўринади.

Узбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ушанда кезларда шароит ҳақиқатан ҳам оғир эди. Улкан салтанат парчаланиб кетган, одамларни эртага нима бўлади, деган савол қийнарди. Бунинг устига, Фарғона, Уш ва Паркент фожиаларининг жароҳати битмаган, пахта яккаҳокимлиги иқтисодиётимизда оғир асорат қолдирган, халқ ҳужалиги бир томонлама ривожлангани туфайли аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур [illegible]р, хусусан, ғалла ва бошқа [illegible]ҳат маҳсулотларининг 70 [illegible]ларга келтирилар — бу [illegible]аммоларни санаб адоғига етиш қийин эди!

Вазиятнинг яна бир мураккаб жиҳати шунда эдики, Ўзбекистон гарчи СССР таркибидаги суверен давлат ҳисобланиб келган бўлса-да, бу мақом номигагина бўлиб, бизда давлатчиликнинг асрий анъаналари унутилган эди.

Ислом Каримов ана шундай — собиқ СССР ҳудудида бошбошдоқлик ҳукм сурган, иқтисодий бўҳрон авжга чиққан қалтис бир шароитда республика Президенти этиб сайланди.

Унинг зиммасида одамлар қалбида эртанги кунга ишонч руҳини уйғотиш, мустақил давлатимиз қандай бўлиши, у тараққиётнинг қайси йўлидан кетиши борасидаги истиқбол режаларини аниқ белгилаш, бошқача айтганда, йўл танлашдек тарихий вазифа турарди.

Президент аввало, барчамизнинг олдимизга Узбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий давлат бўлади, деган аниқ мақсадни қатъий қўйди. Шу маънода, бирин-кетин давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳиямиз қабул қилинди. Давлат бошқаруви тизими ислоҳ қилина бошлади. Жойларда ҳокимлик институтлари жорий этилди. Баъзи республикалардагидек талатупда бошқарув тизими қўлдан чиқариб юборилмади. Бу эса сиёсий ислоҳотни осойишталик билан, одамларни сен коммунистсан, сен демократсан қабилида оқу қорага ажратмасдан амалга ошириш имконини берди.

Эндиги вазифа мустамлакалик асорати остида тарихидан узилган, динидан мосуво этилган, миллий қадриятларидан йироқ тушган халққа унинг узилгини, қандай буюк зотларнинг вориси эканини англатиш, қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, қисқаси, тушкун руҳини кўтариш, ўз қудратига ишонч бахш этишдан иборат эди.

Ана шу мақсадда, миллий қадриятларимизни ҳаётга қайтаришга алоҳида аҳамият берилди. Шуро мафкураси камситиб, тарихий ҳақиқатга зид равишда босқинчи атаб келган, аслида эса буюк марказлашган давлат барпо этиб, унда адолат тамойилларини ҳамма нарсадан устун қўйган соҳибқирон Амир Темурнинг муборак сиймоси қайта тикланди — пойтахтимиз марказида унинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Шунингдек, буюк исломий олимлар — Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий ва бошқаларнинг тўйлари, уларга бағишланган халқаро анжуманлар ўтказилди.

Мустақиллик халқимизнинг азалий орзуси эди. Бу ширин умид, ёруғ гоя хоҳ пинҳон, хоҳ ошкор бўлсин, юрагимизда яшаб келарди. Бу кураш йўлида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир каби унлаб беназир истеъдод соҳиблари қурбон бўлди. Вақтлар бўлдики, уларнинг ўлмас асарларини ўқиш у ёқда турсин, номларини тилга олмоқ ҳам гуноҳи азим саналди. Фақат истиқлол боис уларнинг ёркин хотираси халқ қалбидан абадий жой олди. Ана шу зотимукаррамларга авлодларнинг эҳтироми рамзи сифатида буюк инсон ва салоҳиятли адиб Абдулла Қодирийга биринчи бўлиб, Ватанимизнинг энг олий нишони — «Мустақиллик» ордени муносиб кўрилди. Кўчаларга, боғ ва хиёбонларга мустабид тузум қурбонларининг номлари берилиб абадийлаштирилди.

Айниқса ҳассос шоир, буюк саркарда Мирзо Бобур сиймоси ҳақоратлардан фориғ этилгани, буюк давлат арбоби, аллома Мирзо Улуғбек таваллуд санаси диёримиздагина эмас, Истамбул, Париж, Карочи каби дунёнинг йирик шаҳарларида ҳам муносиб нишонланган юртимиз обрўйини, саховатли заминимиз довруғини узоқ-узоқларга таратди. Ҳазрат Навоий таъбирлари билан айтганда, биз ўзимизни топа бошладик.

Аввал иқтисод, кейин сиёсат деган гап бор. Чунки, иқтисодий тараққиётни йўлга қўймай туриб, сиёсат ҳақида гапириш ортиқча. Мана шу мақсадда мамлакатда иқтисодий ислоҳот амалга оширила бошланди.

Шу уринда, аввало, иқтисодни ислоҳ қилишдан мақсад нима эканини аниқлаб олиш лозим, деган эди Президент. Узингиз ўйлаб кўринг, қаъри табиий бойликларга макон бўлган замин, ҳар қаричи олтинга тенг тупроқ, улкан илмий салоҳият, меҳнатсеварликда дунёда тенги йўқ халқ булса-ю, у чор-ночор ҳаёт кечирса. Шу мантиққа тўғри келадими? Демоқчиманки, мамлакатда бошланган иқтисодий ислоҳот ана шу масалани ҳал этишни, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт кечириш учун шароит яратиб беришни, қисқаси,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари бериш ҳамда алмаштиришни ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида Низом»ни амалга киритиш ҳақида»ги Фармонини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари бериш ва алмаштиришни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан:

1994 йил охиригача -- аҳолига паспорт бериш, Ўзбекистон Республикасига келиш-кетишларни ҳисобга олиш масалалари бўйича махсус ахборот тармоги ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси сотиб олиш учун;

1995 йилда -- паспорт босиб чиқариш қурилмаларини, уларнинг қўшимча узеллари ва эҳтиёт қисмларини сотиб олиш, ташиб келтириш, аҳолига паспорт бериш масалалари бўйича махсус ахборот тармоги ташкил этиш ва алоқа

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Т. ПЎЛАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИҚТИСОДЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали хизматлари ва бозор ислоҳотларини амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Наманган вилояти Чортоқ тумани ҳокими Турсунбой Пўлатовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 декабрь.

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар залида республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси ташаббуси билан сайлов якунларига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, шунингдек, сайлов кампаниясининг боришини кузатиш учун мамлакатимизга келган холис экспертлар, халқаро кузатувчилар қатнашди.

Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Қудратилла Аҳмедов 25 декабрь куни умумхалқ сайловининг юксак савияда, демократик руҳда, уюшқоқлик билан ўтганини қайд этди.

-- Дастлабки ҳисоб-китоблар мамлакатимизда рўйхатга олинган 11 миллион 200 минг нафар сайловчидан 10 миллиондан ортиғи овоз беришда фаол қатнашганини кўрсатмоқда, -- деди Қ. Аҳмедов. -- Аммо, бу сайловда қатнашганларнинг миқдори ҳақидаги узил-кесил хулоса эмас. Ҳали ҳисоб-китоб давом этяпти. Ўзбекистон фуқаролари ана шундай сиёсий фаоллик билан республикамиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигидаги ҳукуматимиз сиёсатини ялпи қўллаб-қувватладилар. Шуни таъкидлашни истардимки, республикамиздаги демократия ва кўппартиявийликка асосланган дастлабки сайловнинг жаҳон андозалари даражасида ўтишида чет давлатларнинг ҳамда халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги вакиллари, халқаро экспертлар ва холис кузатувчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

Ислом КАРИМОВ:

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

халқ манфаатини кўзда тутади.

Мен боя йўл танлаш — тарихий вазифа деган иборани бежиз айтмадим. Тасаввур қилинг: халқ бир одамга юксак ишонч билдириб, уни шу улуг мамлакатга Президент этиб сайлади. Демакки, унга тақдирини ишониб топширди. Халқ номидан иш юритиш ваколатини берди. Дунёда бундан ҳам ортиқ масъулият борми? Шундай экан, халқни келажак сари бошлашда, жамият тараққиётининг устивор йўналишларини белгилашда адашиш мумкинми?

Ислом Каримов ана шу ҳақиқатни назарда тутиб, иқтисодиётни қайтадан ташкил этиш, Узбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига эришиш мақсадида халқимизнинг ҳаёт тарзи, тарихий ва миллий ўзига хослигини инобатга олиб, Узбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилади. Унинг муҳим беш тамойилини ишлаб чиқди. Уларнинг ҳаётга қандай тадбиқ этилаётганидан, дастлабки натижалардан барчамиз хабардормиз — кундалик ҳаётда сезиб, ҳис этиб турибмиз.

Бу тамойилларга амал қилган ҳолда Узбекистонда қандай вазифалар ҳал этилмоқда?

Аввало, бозор иқтисодиётининг асосий шарти — давлат мулкини хусусийлаштириш амалга оширилмоқда, халқ хўжалигида ишлаб чиқарувчиларга тула эркинлик берилаётир, улар ўртасида соғлом рақобат вужудга келмоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бусиз меҳнат самарадорлигини ошириш, истеъмол бозорининг тўкин-сочинлигига эришиш мумкин эмас.

Иккинчидан, мамлакат иқтисодиётига чет эл сармоясини кенгроқ жалб этиш, қўшма корхона, концерн ва корпорациялар ташкил қилиш орқали мавжуд ишлаб чиқариш иншоотларини замонавий, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот, тайёрдан имкониии берадиган илғор технология билан қайта жиҳозланаяпти, янги корхоналар қурилаяпти. Ана шу йўл билангина республиканинг четга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулот чиқаришга эришмоқ мумкин.

Муҳими, халқ хўжалигининг ҳал қилувчи йўналишлари бўйича бошқа давлатларга қарамликдан қутилиш чора тадбирлари кўрилмоқда. Чунки республиканинг ғалла, нефть, кўплаб озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлашига эришмай туриб иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириб бўлмайди.

Айниқса, шу йил муомалага чиқарилган миллий валютамиз — сўмнинг харид қувватини мустаҳкамлаш, нуфузини ошириш, ҳеч бўлмаса, мамлакат ичкарисида обрўли валюталар билан эркин алмашувига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки пул — мамлакат иқтисодий салоҳиятининг асосий мезонидир, яъни, миллий пул бақувват бўлсагина, давлат қудратли бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, бизда ана шу режаларни амалга ошириш, иқтисодиетни бозор муносабатларига ўтказишнинг барча ҳуқуқий асослари яратилди. Амалий ишлар аллақачон бошланган. Уларнинг дастлабки натижалари кўзга ташланиб қолди.

Республикада бу йил қарийб 4 миллион тонна пахта етиштирилди. Узбекистон тарихида илк бор салкам 2 миллион тонна ғалла ҳосили олинди. Ҳозир деҳқонларимиз олдида 2—3 йил мобайнида ғалла мустақиллигига эришиш вазифаси турибди. Бу нафақат иқтисодий, балки сиёсий масала ҳамдир. Пахта майдонларини қисқартириш, уларнинг бир қисмини дон, картошка, сабзавот ва мева етиштириш учун ажратилгани ҳам яхши самара бермоқда.

1990 йилларда қарийб 4 миллион тонна нефть пахта эвазига четдан келтирилар эди. Бу курсаткич йилдан йилга камайиб бораётир. Келгуси йили бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш мўлжалланмоқда.

Уй-жой фонди, савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларини хусусийлаштириш ниҳоясига етди. Энди навбат катта саноат корхоналарига келди. Улар очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилмоқда. Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Шу йилнинг ўзида 50 минг давлат корхонаси мулк шаклини ўзгартирди. Республикада 13 минг деҳқон хўжалиги ташкил топди. Ҳозир мамлакатимизда етиштирилаётган гўштнинг 70, сутнинг 77 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хўш, хусусийлаштиришга нега бунчалик аҳамият берилаётир? Биламизки, шуро замонида мулк бир вақтнинг ўзида ҳамманики, аслини олганда эса ҳеч кимники эмас эди. Энди у ҳақиқий эгасини топмоқда. Бусиз на тежамкорликка, на самарадорликка, на қилинган меҳнатдан манфаатдорликка эришиб бўлади. Чунки ҳақиқий мулк эгаси бир сумни беҳуда сарфламайди, биронта гиштнинг ерда бекор ётишига йўл қўймайди.

Келгусидаги вазифалар эса бундан-да улкан. Иқтисодий ислоҳот қишлоқ хўжалигида секин кечаётгани сир эмас. Давлат ва жамоат хўжаликларининг номи, мулк шакли ўзгаргани билан баъзи жойларда меҳнатга муносабат ҳамон эскича қолмоқда. Бу соҳадаги бошқарув тизими деярли қисқармади. Янги ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳақиқий маънода эркинликка эриша олмаяпти. Бунинг сабаби — биздаги энг нозик муаммо — ерни шахсий мулк қилиб бериш масаласи ҳал этилмаганида эди. Чунки деҳқон ер узиники эканини ҳис этмагунча унга тула меҳр қўя олмайди. Шуни ҳисобга олиб яқинда ерни узоқ муддатга, ворисларига мерос қолдириш ҳуқуқини берган ҳолда, фуқароларга қимошди савдоси орқали сотиш хусусидаги фармон эълон қилинди.

Бундан ташқари, эски тузумдан қолган боқимандалик кайфиятидан одамларни халос этиш, ерда ишловчиларни камайтириб, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига утказиш, том маънодаги ишчи кучи, меҳнат бозорини шакллантириш ҳам бу жабҳада ҳали кўп иш қилинишини тақозо этади.

Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ислоҳотдан мақсад — тез орада иқтисодий мустақиликка эришиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, Узбекистоннинг юксак тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишига эришмоқдир. Ҳар биримиз ана шу эзгу ниятни дилга тугиб яшамоғимиз, ишламоғимиз шарт.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш, унинг моддий таъминоти масаласига жиддий аҳамият бериб келинаётир. Чунки, биз табиатан болажон халқмиз. Республика аҳолисининг деярли ярмини болалар ташкил этади. Умуман олганда, бизда ҳар бир ишловчининг қарамоғида ўртача 5—6 нафар жон бор.

Бир мажлисда Ислом Каримов шундай деган эди: ўзингиз уйланг: Бир йигит уйига қули қуриқ келса, қоракуз болаларига нон тополмаса, қартайиб қолган ота-онасининг юзига қаролмаса, бундан ортиқ даҳшат бўладими? Бундай вазият турли ижтимоий портлашларга олиб келмайдими? Қолаверса, давлатнинг биринчи вазифаси ўз фуқаролари тинчлигини ҳимоя қилиш, таъминотини жой-жойига қўйишдан иборат эмасми?

Шубоис, Иттифоқ парчаланиб, рўзғоримиз бўлак бўлган пайтдан бошлабоқ республикада одамларга томорқа ажратиб берилди. Аҳолини энг зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан меъёрлаб бўлса-да, узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Мамлакатда аҳолининг эҳтиёжманд қисми нафақахўр, ногирон, боқувчисиз фуқароларни, айниқса, болаларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг янги тизими яратилди. Ҳеч ким давлат ғамхўрлигидан четда қолмади. Шунинг учун энг оғир пайтларда ҳам ҳеч ким, айрим мамлакатлардаги каби, ахлат қутиларини титишга бориб етмади.

Худога шукр, ҳозир вазият анча ўнгланди. Ҳозирги кунда пахтамизнинг харидоргирлиги, жаҳон бозорида бу қимматбаҳо хом ашёга талаб ортиб бораётгани ҳам маълум. Қолаверса, полиметалл, уран, минераллар, қоракўл, пилла каби бойликларимиз кўп.

Бизда ҳам, баъзи собиқ Иттифоқ республикаларидаги каби, ана шу маблағлар эвазига хориждан вагон-вагон товарлар сотиб олиб, дўконларни тўлдириб ташлаш мумкин эмасми? Мумкин. Нега шундай қилинмаяпти?

Бунинг сабаби шундаки, фақат бугуннинг роҳатини ўйлаб, юрт табиий бойликларини совуриш, андиша билан айтганда, келгуси авлодлар ризқини қийиш бўлади. Чунки, бу бойликларда уларнинг ҳам ҳаққи бор. Қолаверса, ҳар қандай бойликнинг ҳам охири бўлади. Ётиб еганга, тог ҳам чидамас, деб бежиз айтилмаган.

Бизда ана шу маблағлар мавжуд корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлашга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, Мингбулоқ, Кўкдумалоқ каби нефть конларини ўзлаштиришга, Асака, Дўстлик, Бухоро шаҳарларидаги улкан саноат иншоотларини бунёд этишга сарфланмоқда. Бошқача айтганда, иқтисодиётимиз пойдевори мустаҳкамланаётир, халқимиз Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида яшаяпти, меҳнат қилаяпти.

СССРдек улкан империянинг парчаланиб кетиши — асримизнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири, десак муболаға бўлмас. У жаҳон харитасига жиддий ўзгаришлар киритди. Европа ва Осиёда бир қанча мустақил давлатлар вужудга келди. Табиийки, уларнинг ҳар бири халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлиш, дўстлар орттириш ҳаракатига тушди. Зеро, ҳеч бир давлат якка-ёлғиз, ташқи оламдан узилган ҳолда яшай олмайди.

Халқаро майдонда обрў-эътибор қозонишнинг ўзи бўлмайди. Бу йўлдаги биринчи қадам — янги пайдо бўлган давлатни дунё ҳамжамиятидаги бошқа давлатлар эътироф этишидир. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги декларация эълон қилингач, бизни биринчи бўлиб азалий қардошимиз — Туркия Республикаси тан олди. Ҳозир бизни тан олган давлатлар сони 130 дан ортиб кетди. Уларнинг аксарияти билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик Кенгашига, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасига — деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Улар ташкил этаётган халқаро симпозиум, семинар ва анжуманларда фаол иштирок этмоқда. Мустақил Ўзбекистон овозини унинг биринчи Президенти сиймосида бутун дунё эшитиб турибди. Ҳиндистон, Корея Республикаси, Хитой, Франция, Германия, АҚШ, Голландия, Туркия, Малайзия каби ўнлаб мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан эса анъанавий ҳамкорлик ришталарини сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда. Айниқса, ён қўшниларимиз — Қозоғистон ва Қирғизистон билан ягона иқтисодий макон барпо этилгани хайрли иш бўлди., Ўртадаги бир қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди.

Тожикистон халқи биродаркушлик уруши туфайли оғир кунларни бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон ўз қардошларига мунтазам равишда инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келади. Ислом Каримов бу билан чекланмасдан БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубларида, БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти эътиборини бу қалтис можарога қаратди. Европада Ҳамкорлик ва Хавфсизлик Кенгашининг яқинда Будапештда бўлиб ўтган мажлисида Тожикистонга ҳам собиқ Югославия Республикалари билан бир даражада инсонпарварлик ёрдами ажратилиши лозим, деган таклифни илгари сурди.

Мамлакатимизга деярли ҳар куни чет эллик меҳмонлар келади. Уларнинг кўпчилиги — давлат арбоблари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, йирик сармоядорлар, ишбилармонлар, банк ходимлари. Шунда бу одамларни республикамизнинг нимаси мафтун этади, бизга бу қадар ёндашиб келишдан, ҳамкорлик таклиф этишидан муддаоси нима экан, деган савол хаёлимдан ўтади. Чунки, чет эллик сармоя эгалари анойи эмас. Бозор иқтисодиётининг паст-баландини кўраверіб пишиб кетган. Шунда уларни чорлаётган нарса юртимиздаги сиёсий барқарорлик, ижтимоий осойишталик, чет эл сармоясини ҳимоя қилишнинг кафолатлангани, бу борада ҳуқуқий асос яратилгани бўлса керак деган хулосага келаман. Қолаверса, халқимизнинг кўнгли очиқлиги, меҳмондўстлиги, меҳнатдан қочмаслиги ҳам хорижий ишбилармонларни бефарқ қолдирмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон жаҳон миқёсида умум эътироф этган барча қоидаларни, қадриятларни тан олиб, уларга қатъий амал қилиб келмоқда. Хусусан, ҳеч кимнинг ички ишига аралашмайди, ҳеч бир давлатга на ҳудудий, на моддий даъвоси йўқ. Айни пайтда ўзига — Ўзбекистонга ҳам айнан шундай муносабатда бўлишларини истайди. Тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун қалбимиз ҳам, эшигимиз ҳам очиқлигини бутун жаҳон кўриб турибди... Айниқса, энг оғир вазиятларда ҳам Ўзбекистон, унинг тимсоли — Президент бировдан бир мири сўрамагани, ҳеч қаерга қўл чўзиб бормагани, фақат ўз меҳнатимиз билан кун кечирганимиз, гуруримизни букмаганимиз башар эътиборидан четда қолгани йўқ.

Хуллас, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон майдонига чиққанига уч йилдан ошган бўлса, барча халқаро мажбуриятларини сўзсиз адо этиб келяпти. Ҳеч бир соҳада бировдан қарздор эмас. Юзини ерга қаратадиган, мусаффо байроғига доғ туширадиган бирор ҳаракатга йўл қўймади. Чунки унинг бирон бир пинҳона нияти, бировга ёмонлиги йўқ. Албатта, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ҳам, нуфузи ҳам шунга яраша бўлади. Ва биз, шу юрт фарзандлари бундан ҳақли равишда фахрланамиз.

Бепоён саҳрода кетаётган одам — милт этган чироқ излайди. Баҳри муҳит аро сузиб бораётган кемалар — маёққа интилади. Таъбир жоиз бўлса, мафкуранинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини ана шу ёритқичларга қиёслаш мумкин.

Агар инсоннинг аниқ мақсади, эзгу омоли бўлмаса — ҳаёт унинг учун зерикарли машғулотга айланади. Ҳар бир инсон нима учун яшаяпти, меҳнати, куйиб-ёнишидан муддаоси нима эканини теран ҳис этсагина ҳаракатида собитлик, умрида маъно зоҳир бўлади. Таъбир жоиз бўлса, миллий мафкура — ана шу мақсад ва омолларнинг бир нуқтада бирлашишидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, у барчага тушунарли, жозибаси билан халқни бир улуғ мақсад йўлида жипслаштирадиган, нон каби содда, иймон яглиғ покиза бўлмоғи, тарихий қадриятларимиздаги, шарқ фалсафасидаги, бошқа ақидалардаги энг яхши ахлоқий-фалсафий мезонга мос нимаики бўлса, ҳаммасини ўзида мужассам этмоги лозим. Унинг замирида эса мана шу ӧзод Ватанимиз, заҳматкаш халқимиз манфаати ётади. Унинг бахтли келажаги йўлида меҳнат қилиш, керак бўлса ҳимоясига жонни тикиш, уни деб яшаш — бизнинг олий омолимиз, ҳаёт йўлимизни ёритувчи маёқдир. Ана шу эътиқодга содиқ бўлиш учун, биз кимларнинг ворисларимиз, теран илдизларимиз қайси покиза булоқлардан баҳра олади, қаерда турибмиз, танлаган йўлимиз қай ёруғ манзилларга олиб боради — буни ҳар биримиз теран ҳис этишимиз керак. Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш эҳтиёжи сезилади.

Баъзилар миллий мафкурани шакллантириш, яратиш деганда уни бир вақтлар ўқиганимиз — коммунизм қурувчиларининг ахлоқ кодексига ўхшаш китобча шаклида тасаввур қилаётгандек тушунади. Холбуки, халқ ҳеч қачон мафкурасиз яшамаган, у азалдан она юртингни сев, бировга ёмонлик қилма, ҳалол ва пок бўл, деган шаклларда ўлмас руҳ каби тафаккуримиз маъвосида учиб юради. Гап фақат уни йиллар чангидан тозартириш, омолларимизни яна бир бор аниқ белгилаб олиш ва уларни халқимиз онгига зўҳур этиш устида кетяпти. Қисқа айтадиган бўлсак, миллий мафкура дегани,бу — адиблар,олимлар, санъат аҳлининг саъй-ҳаракати билан одамлар руҳида намоён бўладиган ўзгаришдир. Масалан, америкаликлар, туркияликлар гап Ватан тақдири, манфаатига бориб тақалганда, ўзаро гина-қудуратларини, партия ва гуруҳлараро курашларни — ҳаммасини унутади, бизнингча айтганда, бир зумда бир тану бир жон бўлади. Ана шу миллий мафкуранинг қудрати, халқ, Ватан тақдирида намоён бўлишдир. Иншооллоҳ, бизда ҳам шундай бўлади. Унинг дастлабки куртакларини одамларнинг дунёқарашидаги ўзгаришлардан кўриб, ҳис этиб турибмиз. Зотан, Ватан, халқ манфаати ҳамма нарсадан устундир.

Адолатли, ҳар бир одам ҳур ва озод яшайдиган жамият — инсониятнинг азалий орзуси. Биз ҳам мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «Адолат, кучдамас, куч — адолатда» деган шиори рўёбга чиқадиган жамият қуришни ният қилганмиз.

Бу йўлда қўйилган дастлабки қадам шу бўлдики, жамиятимиз, давлатимизнинг ҳуқуқий пойдевори — ҳар бир моддаси пухта ишланган Конституциямизни қабул қилиб олдик. Асосий қонунимизда жаҳон Конституциячилигининг энг яхши тажрибалари намоён бўлди, у нуфузли халқаро ташкилотлар, қилни қирқ ёрадиган экспертлар назаридан ўтказилди. Ўзбекистон ҳудудида яшаётган ҳар бир фуқаро учун тенг ҳуқуқ ва эркинликлар берилгани, ҳеч кимни на сиёсий, на иқтисодий жиҳатдан камситилишига йўл қўйилмагани — унинг умумбашарий қадриятларга мослигини ҳатто бизга унча хайриҳоҳ бўлмаган сиёсатдонлар, мутахассислар ҳам эътироф этди.

Учинчи йилки, ана шу янги Конституцияга амал қилган ҳолда яшаяпмиз. У юртимиздаги сиёсий барқарорлик, осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлади, жамият ҳаётининг том маънодаги дастуриламалига айланди.

Куни кеча ана шу Конституция асосида янги парламент — республика Олий Мажлисига, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказилди. Менимча, янги Конституциямиз моҳиятини англамоқ учун бу галги сайловни аввалгилари билан таққослаш кифоя.

Баъзан кишига малол келадиган жойи шундаки, айрим сиёсатдонлар, матбуот вакиллари Президент билан суҳбатларда гапни атайлаб демократия, инсон ҳуқуқлари масалаларига буради.

Хўш, демократия ўзи нима дегани? Ўзбекистонда демократик тамойиллар қарор топяптими? Масалага шу нуқтаи назардан ёндошилса, бизнингча, тўғри бўлади.

Демократиянинг асосий шарти бу — мамлакатда халқ иродаси билан қабул қилинган қонунларга, биринчи галда Конституцияга барчанинг бир хилда бўйсуниши, яъни қонуннинг барча нарсадан устунлигидир. Шу — ақидага кундалик ҳаётимизда амал қилиняптими, йўқми? Ёки инсон ҳуқуқлари масаласини олиб кўрайлик. Инсоннинг энг олий ҳуқуқи, бу — энг аввало ҳаёт кўриши, яшаш эмасми? Президент фаолиятининг, барча ҳаркатларининг туб моҳияти юртимиздаги ҳар бир фуқаро учун ана шу ҳуқуқни таъминлашга қаратилмаяптими? Ҳеч қандай ислоҳот, ҳеч қандай демократия битта гўдакнинг бевақт тўкилган қонига арзимайди дейилгани, бу — демократияни камситиш эмас, балки инсонни улуғлаш экани наҳотки тушунарли бўлмаса? Бундан ташқари, баъзи собиқ Иттифоқ республикаларидагидан фарқли ўлароқ, дини, тили, эътиқоди, миллатидан қатъий назар, ҳаммага тенг ҳуқуқ бериб, кафолатлаб қўйилган бўлса?

Ҳар бир мамлакатнинг, халқнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаслик, бир қолипга солишга уриниш, демократияни — бошбошдоқлик, талатўп деб, инсон ҳуқуқларини — ҳар кимнинг истаган ишини қилавериши деб тушуниш, инсофдан бўлмас. Бор ҳақиқатни бутун дунё кўриб, билиб турибди.

Одатда янгиликнинг ўзига йўл очиши қийин кечади. Яшириб нима қиламиз, дастлабки вақтларда Президент танлаган йўлни, ҳатто машҳур беш тамойилни-да тушунмаганлар ҳам, бу борада иккиланганлар ҳам бўлди. Лекин вақт — энг одил ҳакам деганларидек, одамлар оқу қорани ажратиб бўлди. Илгари адашганлар ҳам тўғри йўлга тушиб кетди. Бу ҳақиқатни бутун дунё тан олди. Хусусан, яқинда диёримизга ташриф буюрган Беларус Республикаси Президенти А. Лукашенконинг «Биз ўз мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон йўлидан борамиз» дегани ана шу эътироф нишонаси эмасми?

Дунёда талабчанликни — қаттиққўллик, қатъиятни — диктаторлик дегувчилар ҳам топилади. Қаерда давлат ҳокимияти бўшашса, бу бўшлиқда турли «ҳокимиятча»лар пайдо бўлади. Амал талашиш бошланади. Бунинг қандай оқибатларга олиб келишини ён қўшниларимиз тажрибаси кўрсатиб турибди. «Агар бизда ҳам... шижоаткор раҳбар бўлганда эди, бу нохушликлар рўй бермасди» дейди тожикистонлик Маннон Атласов «Озодлик» радиостанцияси орқали эшиттирилган мактубида. Менимча, бу ерда ҳеч қандай изоҳнинг ҳожати йўқ.

«Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиш, керак бўлса, жонни фидо қилиш шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир», дея таъкидлаган эди Президент. Демоқчиманки, Ўзбекистоннинг бағри кенг, унга барчамиз сиғамиз. Ҳаммамизга юмуш топилади. Фақат ҳеч кимни ватан қорига яраш бахтидан бенасиб этмасин!

Мухтасар айтадиган бўлсак, мана шу уч йил мобайнида, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ислоҳотнинг биринчи босқичи якунланди. Олий мақсадимиз — буюк Ўзбекистон келажагининг тамал тошини қўйиш, ўлкамизнинг гуллаб-яшнаши учун замин ҳозирланди. Ана шу оламшумул ишларнинг барчасига халқ сайлаган Президент Ислом Каримов бош-қош бўлмоқда. Бу ҳақиқатдан ҳеч ким кўз юма олмайди.

Халқимиз вазиятни теран тушуниб, ўтиш даврининг муваққат қийинчиликларига дош бериб, сабр-тоқат, вазминлик билан яшаб келяпти. Чунки, у Ўзбекистоннинг эртаси ёруглигига, ғалламиз ҳам, нефтимиз ҳам, турли русумли машиналаримиз ҳам — барчаси бўлишига, юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир одам мутараққий мамлакатлардагидек тўкин-сочинликда, муҳтожлик нималигини билмай, умргузаронлик қиладиган кунлар узоқ эмаслигига ишонади.

Аҳмад ХЎЖА (ЎзА).

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ИСТЕЪФОГА ЧИҚИШ НИЯТИДА

Афғонистон Президенти Бурҳониддин Раббоний ваколат муддати ниҳоясига етаётган шу кунларда ўз вазифасидан истеъфога чиқиш ниятида.

Афғонистон давлатининг махсус вакили ана шу ҳақда хабар берди. Унинг айтишича, Афғонистон давлат раҳбари президентлик ваколатини мамлакат олий суди раҳбари Муҳаммад Шоҳ Фарур топширмоқчи.

ИЧКИЛИК САБАБ БЎЛДИ

Марказий Америка давлатлари ва Мексиканинг айрим штатларида католикларнинг рождество байрамини нишонлаш чоғида 160 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. 400 га яқин киши жароҳатланди.

Маълум бўлишича, кўплаб ичкилик ичиш оқибатида байрам чоғида муштлашишлар, қуролли тўқнашувлар, автомобиль ҳалокатлари содир бўлган. Тўқнашувлар натижасида ушбу мамлакатлар ички ишлар қўшинлари ҳам маълум талофатга учраган.

РУБЛЬ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ДАВОМ ЭТАДИ

Россия Федерацияси меҳнат вазири Г. Меликьян РАТА-ТАСС мухбири билан суҳбатда 1995 йил январь ойида рублнинг қадрсизланиши 15 фоизга етади, деди.

Вазирнинг фикрича, бу озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг қимматлашиши сабабли юз беради.

МУЗОКАРАЛАРГА ИЖОБИЙ БАҲО БЕРДИ

ТЕЛЬ-АВИВ. Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин Уммон мамлакатига қилган амалий ташрифи ва Султон Қобус билан олиб борилган музокараларга ижобий баҳо берди.

У учрашув давомида Яқин Шарқдаги тинчлик жараёни ва икки томонлама алоқалар ҳақида фикр алмашилганини қайд қилди. Икки мамлакат ўртасида расмий дипломатик алоқалар ўрнатилмаганига қарамай, бир қанча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олинди.

ВУЛҚОН ОТИЛИШИ ХАВФИ КАМАЙГАН

МЕХИКО. Мексиканинг Пуэбла штати маъмурияти Попокатепетл вулқони атрофидан кўчирилган аҳолини ўз жойларига қайтариш ишларини бошлади.

Вулқоншунос олимлар кузатувига асосан шундай қарорга келинди. Уларнинг таъкидлашича, вулқон отилиш хавфи кейинги пайтда камайган.

ДАРЁ СУВИНИ СОТИШНИ СЎРАДИ

Ливия давлати раҳбари Муаммар Каддафи Туркиядан Ўрта Ер денгизига қўйилаётган Манавгат дарёси сувини Ливияга сотишни сўради.

Унинг фикрича, дастлаб сув танкерларда ташилади. Кейинроқ эса, Ливия томони Ўрта Ер денгизи орқали сув қувурлари ўтказиш ниятида. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу лойиҳа амалга ошса, Туркия неча йилдан кейин миллиард доллар миқдорида даромад олиши мумкин.

ҲУЖЖАТСИЗ ЧЕГАРАДАН ЎТИШМОҚДА

Хитой фуқароларининг махсус рухсатномаларсиз Россия Федерацияси чегараларидан ўтиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда.

Чегарачилар матбуот хизматининг хабарига қараганда, Гродековский қидирув гуруҳи томонидан 6 нафар Хитой фуқароси ҳибсга олинган. Уларнинг бир нечаси ҳужжатсиз, қолганларида эса муддати тугаган рухсатномалар бўлган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар, хорижий шахсларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш гувоҳномалари ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари бериш ҳамда алмаштиришни ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1- бетда).

каналларини ижарага олишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари паспорт бўлинмалари шахсий таркибига қўшиладиган 260 нафар ходимни маблағ билан таъминлаш учун;

1994 йил охиригача — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига хорижий шахсларга ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаши учун гувоҳномалар бланкларини зарур миқдорда тайёрласин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бланкларини ишлаб чиқаришни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг аҳолига паспорт бериш, Ўзбекистон Республикасига келиш-кетишларни ҳисобга олиш масалалари бўйича махсус ахборот тармоғининг фаолият кўрсатиши учун зарур миқдорда тўғридан-тўғри телефон ва телеграф каналлари ажратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомаларига биноан 1995 йилнинг 1 чорагида хорижий шахсларнинг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида яшаши учун гувоҳномалар бланкларини зарур миқдорда тайёрласин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти бланкларини ишлаб чиқаришни таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни 1994 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртманомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг паспорт бўлинмалари учун зарур бўлган махсус маҳсулотларни тайёрлаб берсин.

5. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буюртманомасига биноан Германиядан паспортларни шахслаштириш бўйича махсус асбоб-ускуналарни ташиб келтиришни таъминласин.

6. Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳориждаги дипломатик корпусга, уларнинг оила аъзоларига ҳамда чет элларда доимий яшайдиган Узбекистон Республикаси фуқароларига Узбекистон Республикаси фуқароси паспорти беришни ташкил этсин.

7. Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 1994 йил охиригача манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Узининг йўриқнома ҳужжатларини Узбекистон Республикаси Президенти Фармонига ва мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

1995 йилнинг II чорагидан бошлаб хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Узбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномаларни ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаларини беришни таъминласин ва алмаштиришни бир йил мобайнида якунласин;

«Узбекистон Республикаси фуқароларини ҳамда хорижий фуқароларни меҳмонхоналар, санаторийлар, отеллар, кемпинглар ва дам олиш уйларида рўйхатга олиш тартиби тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳасини тайёрласин;

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, меҳмонхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари, ташкилотлар, корхоналар ҳамда муассасаларнинг паспорт ишларини юритишга масъул булган ходимларини ўқитиш дастурини ишлаб чиқсин ва тегишли равишда ўқитишни йўлга қўйсин;

Паспорт тизими қоидаларини бузувчиларни ҳамда суд ва терговдан қочиб юрган шахсларни аниқлаш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат—акционерлик темир йўл компанияси билан биргаликда «АИПС вокзал» ахборот—қидирув тизимини яратиш тўғрисидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига 1995 йил 1 июлгача тақдим этсин;1995 йил 1 июлдан бошлаб Узбекистон Республикаси фуқароларининг 1995 йил 1 январгача берилган умумфуқаро хорижий ва хизмат паспортлари билан чет элга чиқишларини расмий-лаштиришни тухтатсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, мудофаа ишлари бўлимлари, йирик корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарларидан Узбекистон Республикаси фуқароларига паспортлар бериш ва алмаштириш билан боғлиқ ишларни ташкил этувчи ҳамда ўтказувчи комиссияларни тузсинлар;

Ички ишлар органлари паспорт бўлинмаларининг ва манзил-маълумотнома бюроларининг, шунингдек, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг тайёргарлик ҳолатини текширишни ташкил этсинлар;

Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига Узбекистон Республикаси фуқароларига паспортларни бериш ва алмаштириш буйича ишларни узлуксиз амалга оширишлари учун зарур жой ҳамда техника ресурсларини ажратсинлар;

Узбекистон Республикаси фуқароси паспортини олиш учун аҳолига зарур пулли хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхатини аниқласинлар ва уларнинг фаолияти устидан назоратни таъминласинлар.

9. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси фуқароси паспортини жорий этиш билан боғлиқ булган чора-тадбирлар тўғрисида» 1992 йил 13 ноябрдаги қарорининг 1—банди ва шу қарор билан тасдиқланган «Узбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти тўғрисида Низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 27 декабрь

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ОДАМЛАРГА ПЕШВОЗ ЧИҚҚАЙЛИК

Шеробод тумани партия кенгаши Сурхондарёдаги йирик ташкилотлардан бўлиб, унинг 2,5 мингъазоси бор. 1994 йилнинг ўзида 200 дан зиёд киши партия сафига қабул қилинди.

Бошланғич ташкилотлардан аксариятининг яхши ишлаётгани ҳақида гапиришим мумкин. Лекин мен бу ўринда фалон ташкилотимиз партияга қабул қилиш ва аъзолик бадалларини ундиришда намуна кўрсатяпти, деган гапни четлаб ўтаман-да, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига тааллуқли ...им мавзуларга ...шимизнинг муносабати ...ида тўхталаман.

Шеробод ўттизинчи йилларда вилоятнинг маркази бўлган жой. Чўлларга ариқ, тоғларига йўл тортилган, ўзига яраша санъати, ўзига хос анъаналари билан танилган маскан. Кенгашимиз тўқсон учинчи йилда муаммоларни атрофлича ўрганиб, 70 бандлан зиёд таклифлар мажмуаси билан ҳокимликка чиқди. Ҳокимликнинг жавоби қизиқ бўлди: таклиф қилиш осон, амалга ошириш... Пировардида қўлни-қўлга бериб ишлашга келишдик.

Иш бўлса кўп эди. 1100 километр узунликка газ қувури тортиш керак. Ичимлик сув таъминоти ёмон. Сутни қайта ишлаш заводини, катта тегирмонни, консерва заводини, автомобилларга ёнилғи сифатида газ улашиш шоҳобчасини қуриб тугаллаш керак... Ҳатто, Шеробод шаҳрини замонавий йўсинда коммуникациялаш, ғўзапоядан «ДСП» ишлаб чиқаришга тайёргарлик босқичларига қўл урганмиз. Лекин ҳолва деган билан оғиз чучимас, дейдилар. Тўғри, мўлжалимиздаги бир қатор юмушларни бажаришда сезиларли силжишлар бўлди, кейинги йилларда туманда неки яхши иш қилинган бўлса, партия кенгашининг иши, деб даъво қилмоқчи эмасман. Лекин гап шундаки, биз ташаббус кўрсатганмиз. Ташаббусларга қулоқ тутганмиз. Амалга оширайлик, деганмиз. Хуллас, ташвишлар гирдобидан четда турмадик.

Эндиликда муаммоларимиз тугаб, ташкилий-партиявий ишлар билан шуғулланишга, партия аъзоларини кўпайтиришга вақтимиз кўп, десам хато бўлар. Аксинча, мен юқорида таъкидлаган ишларнинг кўпини энди амалга оширмоғимиз керак. Ва бу ишларни бажаришда кейинги пайтда сусткашликка йўл қўяётганимизни, ҳокимлик билан, ишлаб чиқариш корхоналарию ишбилармонлар билан ҳамкорлигимиз кўнгилдагидай бўлмаётганлигини тан олиб ўтгим келади.

Бир нарсага ишонаман: партия ташкилотини жойларда қўллаб-қувватлашади. Менимча, шунинг ўзи бир катта нуфуз, катта имконият. Демак, бизга ким таклиф ва ташаббуслар билан келар экан, деган хаёлда кутиб ўтирмасдан одамлар орасида бўлишимиз, уларга пешвоз чиқишимиз, бир қадам олдинроқда юришимиз нуфузимизнинг баланд бўлишига хизмат қилишини ҳамиша кўзда тутмоғимиз лозим, деб биламан.

А. ШОЙМОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Шеробод туман кенгашининг биринчи котиби.

ИСЛОҲОТ ВА БАНК

АКЦИЯЛАР -- ДАРОМАД МАНБАИ

1991 йил май ойида ташкил топган, ўз фаолиятини ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида бошлаган Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноат акционер-тижорат банки эндиликда мамлакатимиз йирик банклари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Республикамиз деҳқончилик саноат мажмуи корхоналарига ҳар томонлама бадастур хизмат кўрсатаётган банк йирик қишлоқ хўжалик ҳамда саноат корпорация ва концернларининг маблағларини бирлаштирмоқда. Ўздавлатпахтасаноатсотиш, Меҳнат вазирлиги, Жамғарма банки, Россия деҳқонсаноатбанки, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат суғурта идораси, қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Самарқанд ва Ургут фермент заводлари, «Равшан» давлат хўжалиги, «Вазир» жамоа хўжалиги ва бошқалар банкнинг асосий мижозларидир. Республика бўйича банкнинг 186 филиали ишламоқда. Улар орқали миллий ва хорижий валюталарда кенг миқёсдаги банк операциялари ўтказилаётир. Ҳисоб-китоб, касса хизмати, кредит бериш, маблағларни депозит ва жамғармаларга жалб этиш сингари анъанавий операциялардан ташқари мижозларимизга факторинг ва лизинг хизматларини ҳам таклиф қилмоқдамиз. Бундан ташқари, биз ишонч операциялари ва қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказишга тайёрмиз.

Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда асосий эътибор қайта ишлаш саноатини, хусусий ишлаб чиқариш базасини ривожлантиришга қаратилган. Бу борада ҳам кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Бугунги кунда Ўздеҳқонсаноатбанки республика истеъмол бозорини тўлдиришга қаратилган 200 дан ортиқ объектларга инвестиция ва капитал маблағларини сарфламоқда. Айни чоғда аҳолининг иш билан бандлиги масалалари ҳал этилмоқда, ижтимоий инфраструктура вужудга келмоқда. Нукусдаги «КАТЕКС», Бўстон посёлкасидаги «ЭЛТЕКС», Қаршидаги «КАШТЕКС», Хоразм вилоятининг Гурлан посёлкасидаги тўқимачилик мажмуи шулар жумласидандир. Бу корхоналар Туркиянинг «Язекс» фирмаси воситачилигида бунёд этилмоқда. Ўздеҳқонсаноатбанк ўзини тезда қоплайдиган мазкур лойиҳаларга берган умумий кредити ҳажми 35 миллион сўмдан ортиқроқ миқдорни ташкил этди. Банкимиз шунингдек, қанд заводи, қандолат фабрикаси ва қайта ишлаш саноатининг бошқа кўплаб объектлари қурилишини ҳам маблағ билан таъминламоқда. Қишлоқ аҳолисини газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ижтимоий дастурни бажаришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг банклари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш банк фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Ҳозир Қозоғистон, Украина, Беларуснинг деҳқонсаноат банклари билан алоқалар ўрнатилган. Келгуси йили Тошкентда МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари деҳқонсаноат банклари раҳбарларининг Банклар Иттифоқини ташкил қилишга бағишланган учрашувини ўтказишни режалаштиряпмиз. Тўловлар муаммосининг ҳал қилиниши, шубҳасиз иқтисодий самара беради, корреспондентлик муносабатлари бўйича ишлаш учун яхши замин яратади.

Ўздеҳқонсаноатбанки халқаро йирик банклар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Германиянинг «Дойче банк» ва «Берлинербанки», Англиянинг «Мидлендбанки», Австриянинг «Коммерцбанки» билан корреспондентлик муносабатларини йўлга қўйдик. Биринчи марта Ўзбекистонда банкимизнинг Туркиянинг «Зироат» банки билан ҳамкорлигида Низом маблағи 2 миллион доллар бўлган Ўзбек-Турк «Ўт-банк» тижорат банки очилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгартиришларни чуқурлаштириш банк ходимлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шу йил 21 январдаги Ўзбекистон Президентининг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ акциядорларнинг умумий мажлисида Ўздеҳқонсаноатбанкнинг Низом жамғармаси 100 миллион сўмга кўпайтирилди ва у очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Акциялар эмиссияси юридик шахслар ва фуқароларнинг қўшимча маблағларини жалб этиб, уларни иқтисодиётимизнинг истиқболли тармоқларига йўналтиришга имкон беради. Банкимиз жамғармаларни жорий ҳисобларга қабул қилиб, ҳисоб чекларини беришга ўтди. Бу ҳисоб-китобларнинг қулай ва ишончли воситасидир ва нақд пул оборотининг кескин камайишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик саноат акционер-тижорат банки Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги 1995 йил билан табриклайди.

Акцияларимизни кўпчилиги эътиборни ўзига тортадиган, ҳимоя даражасининг барча талабларига жавоб берадиган қилиб чиқаришга ҳаракат қилдик. Ўтган йил якунлари бўйича Ўздеҳқонсаноатбанки оддий акциялар бўйича 50 фоиз, имтиёзли акциялар бўйича 80 фоиз миқдорида йирик дивидент тўлади. Бу йил эса тўловлар миқдори камида 100 фоизни ташкил этади. Бу республикадаги энг юқори дивидентлардан биридир. Акцияларимизнинг эътиборли томони шундаки, улар бўйича олинадиган даромад берилган кредит миқдорига нисбатан кўпдир.

Йил якунланмасдан илгари Ўздеҳқонсаноатбанки ўз акциядорларига 50 фоиз миқдорда дивидент тўлади ва 1995 йилда акциядорларнинг умумий йиғилишида дивидентларни ҳар чоракда вужудга келган фоизлар ставкасидан кам бўлмаган миқдорда тўлаш масаласини кўриб чиқиш таклифини тайёрламоқда. 1995-1996 йилларда банк босқичма-босқич халқаро аудит текширувидан ўтиш ниятида. Ҳозир ҳам ана шундай текширувларга тайёр турган ўндан ортиқ банк бўлинмалари бор.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, банкимиз республика банк тизими учун юқори малакали мутахассислар етказиб берадиган даргоҳга айланди. Банк ва унинг филиаллари энг замонавий компьютерларда ишламоқда. Банкларо ҳисоб-китобларнинг электрон тизимига ўтиш учун пухта замин яратилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 майдаги «Республика банк тизимини бошқариш тузилишини ва амалий фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра банк ўз тузилишини қайта кўриб чиқди, ваколати ва ҳуқуқини кенгайтирди, коллегиаллик йўли минтақавий филиалларига барча масалаларни ҳал этишда катта мустақиллик берди, улар тўла хўжалик ҳисобида ишлайдиган бўлди.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўздеҳқонсаноатбанки ташкил топган вақтдан бошлаб марказий аппаратни ушлаб туриш учун ҳеч қандай маблағ ўтказилмаяпти.

Иқтисодий ўзгартиришлар муваффақиятига ўзаро хўжалик алоқалари занжирининг муҳим бўғини бўлган банк тизимини ислоҳ этмай туриб эришиб бўлмайди.

Акцияларимизнинг очиқ сотувга чиқарилиши -- жамоамиз кўп ойлик меҳнати натижасидир. Ўздеҳқонсаноатбанки жамоаси шакшубҳасиз ўз ҳиссадорларининг ишончини оқлайди. Зеро, акцияларимиз мўмай даромад манбаидир.

Абдурафиқ АҲАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат акционер-тижорат банки бошқарувининг раиси.

ЭМИССИЯ ТЎҒРИСИДА ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ

В. Смирнова -- «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг қимматбаҳо қоғозлар бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Низом жамғармаси 100 миллион сўм бўлган, очиқ турдаги акционерлик жамияти сифатида рўйхатга олинган «Ўздеҳқонсаноатбанк» тижорат банк операцияларини ва қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни ўтказиш лицензиясига эга.

Узбекистон валюта биржасининг муассиси, Тошкент республика Фонд биржасининг аъзоси. Фонд биржаси қошида банкнинг брокерлик идораси тузилди ва ишламоқда. У банкнинг, шунингдек бошқа эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозлари билан операцияларни амалга оширмоқда.

Банк ёпиқ турда бўлганида, унинг акциядорлар билан муносабатлари шартномалар билан мустаҳкамланиб, гувоҳномалар берилган эди. Ҳозир уларни «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг акциялари бланкаларига алмаштириш буйича тайёргарлик иши ниҳоясига етди.

Акцияларга очиқ обуна эълон қилган банк барча ҳоҳловчиларга битимни расмийлаштириш учун брокерлик идорасига мурожаат этишни таклиф этамиз.

Ш. Бобоҳужаев -- «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг қимматбаҳо қоғозлар булими бошлиғи.

«Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг эълон қилинган Низом жамғармаси бугунги кунда 80 фоиздан ортиқ миқдорда туланган. Яъни ёпиқ обуна буйича барча акциялар амалда жойлаштирилди. Қолган акциялар эмиссиясининг 20 фоизи республика Фонд биржаси савдосига таклиф этилди. Бу ерда улар эксперт комиссиясидан утди ва котировка қилишга рухсат этилди.

Банк акциялари бланкалари икки хил: оддий ва имтиёзли булган ва ҳар бирининг қиймати 1000 сум булган нақд шаклда чиқарилади.

Акция унинг эгасига жамият ва мулк бошқаруви да қатнашиш, дивидентлар олиш ҳуқуқини беради. Бундан ташқари акцияда узаро ҳисоб-китобда тулов воситаси сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун уни банкимизнинг республикадаги исталган булинмасида курс қиймати буйича топшириш мумкин. Нақд пул тақчил булган шароитларда бу қишлоқларда жуда қулайдир.

ЗАФАРЛАРГА ДАЪВАТ

Партиямиз фахрийлари ҳақида ҳикоялар

Ўзбекистон ХДП Сўфиён қишлоқ ҳудудий бошланғич ташкилоти қишлоқда мафкуравий ишларни кучайтириш соҳасида ибратли фаолият кўрсатаётир. Белгиланган тадбирларга кўра Қизилтепа туманининг Навоий номли жамоа хўжалигида «Қишлоқ овози» радиоэшиттиришлари ҳафтанинг пайшанба ва шанба кунларида олиб борилмоқда.

Фаол ташкилотчи, суҳандон Дилмурод Темиров хўжалик иқтисодий-ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи мазмундор суҳбатлар уюштириб, тингловчилар олқишига сазовор бўлмоқда. Айниқса, мутахассисларнинг маслаҳатлари, ахлоқ ва одоб, тежамкорлик мавзуларидаги чиқишлари кўпчиликнинг тез диққатини тортади.

Шуниси эътиборлики, радиода тилга олинган танқидий чиқишлар бошқарув йиғилишларида, партия ташкилотининг мажлисларида муҳокама этилиб, айбдор шахсларга тегишли чоралар кўрилмоқда. Яқиндан бошлаб хўжалик ишлаб чиқаришида яхши қатнашаётганларнинг ибратли ишлари, туманнинг 60 йиллигига бағишланган мусиқали эшиттиришлар ҳам берила бошланди.

-- Барча эшиттиришлар бизга катта ёрдам бермоқда, -- дейди партия ташкилоти котиби Равшан Латипов. -- Қишлоқлар ободончилигини таъминлаш, камчиликларни бартараф этиш, меҳнаткашларни зафарларга чорлашда унинг хизматидан кенг фойдаланяпмиз.

Баҳодир ЭГАМОВ.

Мустақиллик фарзанди сифатида тобора қишилар ишончини қозониб, нуфу-вишларига шерик бўлишдан ортиқ бахт борми, -- дейди Ҳабибулла ота.

Ҳа, отахоннинг йиллар мобайнида қилган меҳнати ўнлаб жамоа ташкилотлари томонидан муносиб тақдирланди. Кўплаб фахрий ёрлиқлар ва кўкрак нишонлари шулар жумласидан. Айниқса, Ҳабибулла ота 1991 йил 9 ноябрь куни юртбошимиз томонидан берилган Фахрий ёрлиқни фахр ва ифтихор билан меҳнатларим нишонаси, дея тилга олади.

У киши етти фарзандни вояга етказди. Улар ҳам оталари сингари онгли, илмли ва ҳалол бўлишга интиладилар.

Ўзбекистон ХДП нуфузи ортиб боришида Ҳабибулла ота сингари фахрийларимиз хизмати катта.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАБИБУЛЛА ОТА

зи ортаётган Ўзбекистон ХДП ўз сафига фаол ёшлар билан бир қаторда кўплаб фахрийларни ҳам бирлаштириб бормоқда. Улардан бири Ҳабибулла Аҳмедовдир.

80 ёшли Ҳабибулла ота Сирғали туман партия кенгашининг ҳар бир адбирида қатнашиш, ...ниқса, ёшларга мустақ...лликни мустаҳкамлаб бо... ҳақида сўзлашдан ча... амайди. Доимо халқ ора... да. Тумандаги «Мадани... маҳалласида ҳудудий па... ия ташкилоти ҳам унин... аъй ҳаракати билан тузилди. Унга етти нафар аъзо бириккан.

Ҳаётда ҳамма паст ва баландни кўрган, Улуғ Ватан урушига хайрихоҳ ёшлар қаторида бориб, фронтда мардлик намуналарини кўрсатганини учрашувлар ва жонли мулоқотларда қўл келяпти. У киши ҳар бир маҳаллада ободончиликка, боғча, савдо дўконлари қуришга бош бўлишни вазифам, деб билади.

-- Танамда кучим бор экан, халқимнинг порлоқ келажаги учун сарфлайвераман. Маҳалладошлар, атрофингдаги кишиларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлишдан ортиқ бахт борми, -- дейди Ҳабибулла ота.

Ҳа, отахоннинг йиллар мобайнида қилган меҳнати ўнлаб жамоа ташкилотлари томонидан муносиб тақдирланди. Кўплаб фахрий ёрлиқлар ва кўкрак нишонлари шулар жумласидан. Айниқса, Ҳабибулла ота 1991 йил 9 ноябрь куни юртбошимиз томонидан берилган Фахрий ёрлиқни фахр ва ифтихор билан меҳнатларим нишонаси, дея тилга олади.

У киши етти фарзандни вояга етказди. Улар ҳам оталари сингари онгли, илмли ва ҳалол бўлишга интиладилар.

Ўзбекистон ХДП нуфузи ортиб боришида Ҳабибулла ота сингари фахрийларимиз хизмати катта.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Котиб минбари

Ким бўлмай ...к, шу юртда яшаб ...ехнат қилаётган ҳар б... фуқаро ўзининг бор ...лими,

ЖОНКУЯР КИШИЛАР

...ат-шижо... билан ...екистон ...гини мустаҳкам... ҳисса қўшмоғи дар... Буни хўжалигимиз ...солида олиб қарайди... бўлсак, ана шундай ...ридойи кишиларнинг ...натини кўриб, ба... дилим очилади. ...оамиз ҳудудидаги ...ққизта қишлоқ тобо... ободон бўлиб боряпти, ...хаобод маҳалласида ...ашқари барча аҳоли ...тиқомат жойлари газ... ирилди. Икки-уч ...да 21 километрга г... вурлари тортилди. Бу... давом эттириляпти.

Бошланғи... ташки-лотимиз с... ни ҳам ишлаб чиқари... алоҳида ўрнак кўрсатаётган интизомли, изланувчан, фидойи кишилар ҳисобига кенгайтиряпмиз. Жорий йилнинг ўзида 27 нафар ана шундай дала меҳнатчисини партия аъзолигига қабул қилдик. 4-бригада аъзоси Абдурашид Олимов, ҳисобчи Жуманазар Қозоқов, болалар боғчаси тарбиячиси Заҳрохон Усмонова, Маҳбубахон Турғуновалар ана шундай ёш сафдошларимиздандир. Улар иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга, хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришга, моддий фаровонлигимизни оширишга, истиқлолимизни мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшмоқдалар. Албатта, бунда Абдухолиқ Турдиалиев, Ҳасанбой Ҳасанов, Тошмирза Раҳмонов, Раҳимжон Низомиддинов, Одилжон Бойдадаев, Рустамжон Мамасолиев каби хўжалигимизнинг жонкуяр кишилари, фаол партия аъзолари кўпчиликка ибрат бўлмоқдалар.

Жамоа хўжалиги ҳудудида ўн минг киши истиқомат қилади. Одамлар билан мумкин қадар кўпроқ мулоқотда бўлишга интиламан. Бунда, айниқса, маҳаллий радио тармоғидан самарали фойдаланяпман. Ҳар оқшом хўжалик, туман, вилоят, мамлакатимиз ва хориждаги янгиликлар тўғрисида ахборот бераман.

Биз, партия аъзолари истиқболга катта ишонч билан қарайимиз. Юртимизнинг келажаги порлоқ. Бунга юртбошимиз бошчилигида амалга оширилаётган ўзгаришлар ёрқин мисолдир.

Ҳамидахон АЛИЕВА,
Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

Эл ризқи йўлида

С. АЛИЕВ: «НАСИБАСИ БУТУН ХАЛҚМИЗ»

Саид Алиев пойтахтимиздаги 2-дон маҳсулотлари комбинатини бошқаради. Дарвоқе, 32 йилдирки, шу соҳанинг одами. Бир сўз билан айтганда, раҳбар. Бизни у кишининг ҳузурига чорлашга сабаб -- комбинат ун тайёрлаш борасидаги режани уддалаб қўйгани, омухта ем бўйича эса режани бажариш арафасида эканигина бўлиб қолмади. Келишилган куни директорнинг ўзи учун яна бир байрам куни экан, яъни у 50 ёшга кирибди. Ўз-ўзидан суҳбатимиз ҳам унинг бу табаррук ёши билан қутлашдан ибтидо топди...

-- Саид ака корхонангиз режаларини уддалаб қўйибди. Зеро, бу ўзимизни ўзимиз ун маҳсулотлари билан таъминлашимиз йўлидаги катта ютуқ, албатта. Келинг, шу соҳанинг кечаги кунига бир назар ташлайлик.

-- Ўз кунимизни ўзимиз кўриб, аравамизни ўзимиз тортишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, соҳамизнинг раҳбарлари бугунни, эртамизни анча илгарироқ кўзлашгани,кўра олишгани катта омил бўлди. Кейинги пайтда халқимизнинг ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун қилинган ишлар ҳажми жуда катта бўлди. Мамлакатдаги завод ва комбинатларда таъмирлаш, қўшимча цехлар очиш бўйича озмунча ишлар қилингани йўқ. Бугун ўша ишларнинг самараси ўлароқ кўнглимиз тўқ. Мамлакатимиз ташқаридан тайёр ун эмас, дон сотиб олади, хом ашёни маҳсулотга айлантириш имкониятларимиз эса етарли. Хабарларингиз бор, экин майдонларининг катта қисмига ғалла экишга қарор қилинди. Насиб бўлса, ҳадемай ғалла мустақиллигига ҳам эришамиз, иншоаллоҳ! Бу эса болажон, меҳмондўст халқимизнинг ризқу насибаси ҳам бутунлигидан далолатдир.

-- Бевосита комбинат ҳақида, унинг имкониятлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

-- Энди бу масалада ҳам тарихга мурожаат қилиб ўтсам дурустроқ бўларди. Сабаби, 1931 йилдан комбинат сифатида маҳсулот бера бошлаган корхонамизнинг имкониятлари йиллар давомида кенгайиб, аҳоли эҳтиёжига мутаносиб тарзда яхшиланиб борди. Эндигина иш бошлаган кезлари бир кеча-кундузда 150 тонна ун тайёрлаш қувватига эга бўлган бўлса, бугунга келиб бир кеча-кундузда 380 ва 250 тонна ун тайёрлашга мўлжалланган иккита йирик цехимиз бетиним ишлаб турибди. Конституция кунига йиллик режани уддаладик. Омухта ем тайёрлаш цехимиз эса суткасига чорак кам минг тонна маҳсулот ишлаб чиқараяпти.

Шу ўринда яна бир гап. Эндиликда ишимизда янги усуллардан фойдаланяпмиз. Бундан буён 50--60 фоиз унни қопсиз манзилга етказиш усулига ўтяпмиз. Нон маҳсулотлари тайёрлаш корхоналарига унни машиналар қопларсиз тўкиб келяпти. Бунинг бир неча қулай ва фойдали жиҳатлари ҳам бор. Аввало, унни қопларга солиш, қадоқлаш каби бир неча иш жараёни қисқарса, иккинчидан қопларни ортиш-тушириш маҳалида уннинг исроф бўлишига ҳам чек қўйилади.

-- Сир эмас, бугунги иқтисодий алоқаларининг узилиши ҳеч бир корхонага ўз таъсирини кўрсатмай қолгани йўқ. Умуман, эришаётган ютуқлар, режаларни ўз вақтида бажарилиши осон кечмаётган бўлса керак...

-- Бунинг биринчи сабаби, ўша меҳнат ва меҳнаткашни муносиб тақдирлаш, ишни тўғри ташкил этишда, деб биламан. Корхонамизда ўртача маош 700 сўм атрофида. Ишга қараб ойига 40--50 фоиз маош миқдорида йилнинг ҳар чорагида мукофот пуллари бериб бориляпти. Яқинда ишчи-хизматчиларимизга биринчи сон ун заводи билан бирга 48 хонадонли уй қуриб берилди, яна 24 хонадонли уй топширилиш арафасида турибди. Ўзбекчилик, мусулмончилик нуқтаи назаридан кам таъминланган оилалар, илгари бизда ишлаб, ҳозир қарилик нафақасида бўлган кишиларнинг ҳолидан баҳоли қудрат хабардор бўлиб туришни одат қилганмиз.

Агар масаланинг техник жиҳатларини олиб қараганда, Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбек қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Чирчиқдаги турдош корхоналар билан амалий ҳамкорлигимиз натижалари ҳам қувончли. Ун тайёрлаш ускуналари ҳам ишлаб чиқариляпти, янги хил элаклар тайёрланяпти.

-- Йирик бир корхонанинг раҳбари сифатида халқимизга қандай истакларингиз бор?

-- Аввало, халқимизнинг ризқу насибаси бутун. Бир илтимосим, ана шу ризқу-рўзимиз бўлган нонни эъзозлайлик. Уни исроф қилишга йўл қўймайлик, дейман...

Биз директор ҳузуридан қайтар эканмиз, яхши бошлиқ -- ярим ютуқ эканига яна бир бор амин бўлдик...

Ҳусан ЭРМУҲАММАД ва Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ суҳбатлашди.

ЎРМОНЧИЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Экоўрмон» ташкилоти билан ҳамкорликда «Чўл минтақасида ўрмонларни тиклаш ва кўпайтириш» масаласи бўйича конференция бўлиб ўтди.

Бу анжуманда Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон давлатларининг етакчи ўрмончи мутахассислари қатнашишди. Улар ҳар бир республикада 1994 йилда икки гектардан рамзий ўрмонзорлар барпо этишга келишиб олишди. Бу ишлар сарф-харажатларини Японияниннг нодавлат IMEC ташкилоти ўз зиммасига олди.

Илмий-тадқиқот институти ўрмончилари ишга киришдилар. Икки гектар майдонда аралаш ўрмон дарахтлари ўтказилиб, савобли ишга биринчи қадам қўйилди. Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси ҳам бу хайрли ишга қўшилди. Оҳангарон ўрмон хўжалиги жамоаси 15 гектар майдонда аралаш ўрмонзорлар яратишга қарор қилдилар.

Бу хайрли ташаббусдан мақсад, ўрмон майдонларини кенгайтириш билан бирга Марказий Осиё минтақасида ижтимоий экологик ҳолатни яхшилашдир.

• *Соғлом авлод учун*

ЎРДАДА БИР «ЎЗБЕКИСТОН» БОР

Ҳаммамиз иссиқ жонмиз. Танамизда сал оғриқ сезсак ўйлаб қоламиз. "Қаерга, кимга борсам экан-а?". Албатта ўзингиз яшаётган ҳудуддаги поликлиникага... дейсизми?

Яна эшитиб қоласиз: "Ўрдада пуллик шифохонаям бор, яхши дейишади. Балки...". Тўғриси, бу тиббиёт маскани ҳақида аввалларидан одамлар орасида ҳар хил гаплар ҳам "юраради". Лекин бу ердаги ҳақиқий ҳаётни ўз кўзимиз билан кўргач...

"ЎЗБЕКИСТОН" ДАВОЛАШ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ДИРЕКТОРИ МАЛИКА ЖУНАЙДУЛЛАЕВА БИЛАН БЎЛГАН ГУРУНГДАН:

— Малика опа, биноларингиз пештоқида аввал бошқача, хорижий ёзув турар эди-ку?

– Ўзгарди-да, тўрт ярим йил Швейцариянинг Москвадаги "Диаг интернейшнл" қўшма корхонаси билан биргаликда ишладик. Ўртадаги алоқалар ёмон кечмадию... Аммо иқтисодий ҳамкорликда сал узилиш бўлгач, биз жамоамиз билан кенгашиб, ўз аравамизни ўзимиз тортсакчи, деган хулосага келдик ва ажралдик. Кейин алоҳида дастур ва низомларни ишлаб чиқиб, қайтадан рўйхатдан ўтдик. Муассис жамоанинг ўзи бўлди.

— Эшитишимча, сизлар 1987 йилдаёқ хўжалик ҳисобида иш бошлаган экансизлар?

– У маҳаллар қийин эди. Вазирлигимиз раҳбарлари билан ўзаро гаплашиб, пуллик консультация поликлиникаси сифатида иш бошладик. Кейинчалик, яъни 1989 йилдан фаолиятимиз анча кенгайиб, бирлашмага айлантирилди. Катта ҳажмдаги замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари олиб келдик. Шундан сўнг биз энди фақат беморларга ташҳис қўйибгина қолмасдан, балки ўзимиз бевосита даволашга киришдик.

— Мутахассисларни чақириб келиш осон кечмагандир?

– Аввалига қийналдик. Ким ҳам ўз иссиқ жойини ташлаб бу ёққа ўтарди ўша пайти. Йўлини топдик. Малакали ва тажрибали дўхтирларимиз йўқ демади. Дастлаб маслаҳатчи сифатида, кейинчалик доимий равишда ишлашга ўтишди.

— Ўзингиз-чи?

– Мен 1990 йилдан бери шу жамоанинг доимий ишлайдиган битта аъзосиман. Аввал икки йилча маслаҳатчи-дўхтирлик қилдим. Охири шу йилнинг июлидан бошлаб...

— Бирлашманинг директориман денг...

– Шундай, жамоа сайлов асосида сайлашди. Ишлаяпман.

— Қийналмаяпсизми?

– Ўзбекчиликда бир гап бор. Ўттан ҳар кунингга шукр қил, деган. Нима дейин, баҳоли қудрат юртдошларимизнинг кунига яраб турибмиз. Бемор кўп, касаллик кўп. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятидан, буғри Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондан ҳам одамлар келяпти.

— Сизлардаям расмиятчилик, яъни тиббиёт тили билан айтадиган бўлсак, "маълумот тўплаш" кўпдир?

– Остонадан ҳатлаб кирсангиз рўйхатхонамизга учрайсиз. Кимга, қайси дўхтирга ишингиз тушганини айтасиз. Навбат билан...

— Хизмат ҳақи-чи?

– Ҳозирча 30 сўм қилиб белгилаб қўйибмиз.

– Бу... қимматлик қилмайдими?

– Йўқ, яхшиси узоқроқ вилоятдан келган беморларнинг бирортасидан сўраб кўринг. Бизга етиб келгунича қанча пул сарфлабди? Кейин айтасиз. Сиз бир марта гувоҳ бўласиз бундай ҳолга, мен ҳар куни эшитаман. Ана шунда ҳали бизнинг тиббиётчиларнинг халқ олдида қанчалар қарзи кўп эканлигини ҳис қиламан. Биласизми, чекка вилоятлардаги ҳамкасбларимизнинг йўл қўйган кечирилмас хатолари оқибатини бу ерда кўриб эзиламан.

— Ахир улар ҳам сизга ўхшаб олий маълумотли дўхтир-ку?

– Ҳамма гап ана шунда-да. Бўлмаса ачинмасдим. Олти-етти йиллаб ўқиган инсон ўзида масъулият, қарздорлик сезмаса, ўз устида ишламаса, унинг оғири кимга тушади?

— Шу мулоҳазангизга бир воқеани мисол келтирсам. Яқинда бир танишим келди. Қашқадарёдан. Туман поликлиникасида ўз саломатлигини текширтирган. Юраги хасталиги ва буйрагида тош борлигини айтишибди. Уйидагилар хавотирда. Ўзиям қўрқиб кетган. Бирлашмаларингиздаги аппаратда назоратдан ўтказдик. Билсак, юрагида ҳеч қандай хасталик ҳам, буйрагидаям тош йўқ экан. Фақат буйраги қаттиқ шамоллаганини, тез даволаниши кераклигини айтишди. Бундай икки хил ташҳисга нима дейсиз?

– Шундай воқеалар кўп учрайди. Ҳали айтдим, яна қайтараман: шу беморни кўрган дўхтир қўл учида ишлайди. Охири нима билан тугайди? У ёғини қўяверинг...

Яна бир муҳим нарса, Ўзбекистонда 22 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Шуни унутмангки, 22 миллион юракнинг уриши ҳеч қачон бир-бирига ўхшамайди! Кўзларнинг кўришиям шундай. Сизга ҳалиги икки ташҳис қўйишнинг ечими!

— Яна бирлашма фаолиятига қайтсак. "Даволаш илмий ишлаб чиқариш" деган сўзларнинг изоҳини айтсангиз?

– Бирма-бир шарҳласам мақтаниш бўлади. Қисқача айтай: тиббий ускуналарнинг деярли ҳамма хили бизда етарли. Улар орасида инсон жисмидаги энг нозик жойларгача текшириб, аҳволини аниқлаб берадиган каттакичик аппаратураларгача бор. Бир ёғи замонавий тиббий усуллардан ташқари ўзимизнинг азалий Шарқ табобати усуллари билан ҳам беморларни даволаяпмиз. Мутахассисларнинг деярли ҳаммаси малакали дўхтирлар. Шу ўринда айримларини санаб ўтсам: профессор Улуғбек Асқаров, Дилором Қўқонбоева, Ғулом Икромов, Александр Герчиков, Лев Малишев, Ўктам Қўчқоров, Роза Ҳожибоева, Александр Новокришинов, Осиё Усмонова... қай бирини айтай, улар кўп-да, ҳамма-ҳаммаси жонкуяр ва фидойи, ўз касбини севган инсонлар.

Илмий ишлаб чиқариш деганда кўп жараёнлар назарда тутилган. Улар орасида энг нозик, ҳали ўрганилмаган тадқиқотларни ҳам биз бирлашмада синаб кўряпмиз. Ҳали уларни кўз-кўз қилишга эрта.

Бир кунда икки юздан кўпроқ беморга икки сменада хизмат кўрсатамиз. Яна бир муҳим томони, бошқа шифохоналардагидек бизда белгиланган қабул соатлари йўқ. Вақт чекланмаган.

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида катта бир жамоани бошқариш осон эмас. Шу маънода "Ўзбекистон"га бақувват ва ишончли ҳомийлар изламаяпсизми?

– Кўп эшитаман, мамлакатимизда довруғли, ҳатто чет эллик сармоядорлар назарига тушган фирмалар бор, дейишади. Буларнинг кўп бўлгани яхши-ю... Аммо улар фақат бошларига иш тушса, яъни саломатликлари безовта қилса бизни эслаб қолишади. Яна шундаям "келиб хизмат кўрсатсангизлар" дейишади. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша ўрнимиз ва қадримиз бор. Таъсир қиларкан. Соғлиқ-саломатликни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Халқнинг тинч-омонлиги саломатликка боғлиқ. Яна бир қувончли жиҳати, Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан "Соғлом авлод учун" дастурини бажариш борасида кўп хайрли тадбирлар амалга ошириляпти ва бизнинг митти жамоамиз ҳам бу савобли ишга қўлидан келгунича ёрдам беряпти. Дўхтир энди фақат дўхтирмас-да. Ўз навбатида у ишбилармон ҳам. Шу ўринда биз ҳам насиб этса, бирлашма ҳузурида ёрдамчи хўжаликлар, дўконлар очиш ниятидамиз. Биласиз, Москвада машҳур кўз дўхтири Федоровнинг хусусий шифохонаси битта Россияда эмас, ҳатто чет эллардаям қанчалар таниқли. Уларни аввало халқ, кейин ўз ҳомийлари қўллаяптики, шунча ҳайратомуз ишларни амалга оширишяпти. Биз ҳам ишончли ва иймонли ҳомийлар топсак жонжон деб ишлаймиз.

— Сизнинг касбингиз инсон асаблари билан боғлиқ экан. Яъни, невропотолог. Ўзингиз бирлашма ташвишини билан бирга ҳар куни беморларни ҳам қабул қиларкансиз. Умуман, ҳам илмий, ҳам тиббиёт нуқтаи назаридан одамларни кўпроқ кузатган мутахассис сифатида айтинг-чи, руҳ нима ўзи?

– Аслида руҳият жуда ғаройиб дунё. Уни тушуниш учун кўп йиллар керак. Айниқса, одам руҳияти ниҳоятда нозик. Сирли олам у. Мисол келтирай, ҳар куни ишдаман, неча юзлаб одамларни кўраман ва суҳбатлашаман. Улар орасида ҳар хил тоифалар бор. Бири асабий, бири қайсар, бири шўх. Хуллас, юзлаб руҳлар билан юзлашаман. Гоҳо қўтара олмайман, гоҳо кўнглим ёришади. Ана сизга руҳнинг оддийгина баёни!

— Малика опа, бир қизиқ далил келтирай: менинг жуда яқин дилдош дўстим бор. Узоқда яшайди. Кам кўришамиз. Ишонасизми, 13 йил аввал хат орқали танишганмиз ва икки-уч йилдан кейин ёзишмалар ўз-ўзидан тўхтаган. Ниҳоят, шу йилнинг бошида тасодиф туфайли бизлар учрашдик. Мен бу воқеани бежиз келтирмаяпман. Чунки одамзотнинг руҳиятига боғлиқ гапларни айтдингиз-да. Хуллас, у билан кўришдик ва ҳайратга тушдим. Нега дейсизми? Чунки у менинг 13 йил орасида бошимдан неки қувончташвиш ўтган бўлса ҳаммасини айтиб берди. Ҳозир ҳам ҳар ҳафта сим орқали хабарлашамиз ва у...

– Сизни қандай воқеа-тасодифлар кутаётганини айтиб турадими, тўғрими?

— Худди шундай. Бу қандай тилсимот?

– Ҳали айтдимку, инсоннинг руҳияти ғоятда сирли. Бунда ҳеч қандай таажжуб ва ҳайрат йўқ. Лекин битта ғалати нарса бор. Кам учрайдиган ҳолат, яъни сизларнинг руҳингиз бир-бирингизга ниҳоятда боғлиқ ва сирдош.

— Нима, кўришмасак ҳам...

– Сиз эмасу, лекин у ҳамма нарсани билиб туради. Менимча, унинг руҳиятида сизу-биз англаб етолмайдиган тилсимлар ҳам бор. Замонавий тиббиётни ва диний илмларни пухта эгаллаган кўринади. Бу бор ҳақиқат. Сизлар сунъий сезгилар орқали боғлиқ одамларсиз. Бошқа изоҳ шарт эмас.

— Энди яна битта савол берсам. Экстрасенсларга муносабатингиз қандай?

– Очиғи, мен экстрасенс деган атамага қаршиман. Ишлатсак "психотерапия" дейлик. Бу қадимдан бор нарса. Асли ҳар қандай кишининг фойдаланилмаган чексиз имкониятлари бўлади. Биз эса ўзимизда сал ўзгариш сезсак атрофга жар соламиз. Кучли экстрасенс чиқибди фалон жойда, деб югурамиз. Энди ўйланг, ҳар кимнинг табиати ҳар хил. Шунга ўхшаб агар кишида кимгадир ҳақиқий ишонч туғилса ўзини енгил ҳис қилади. Бу энди даволаниш ёки шифо топиш эмас-да. Мен бир нарсадан куйинаман: ҳалигача, ҳатто биз ўқиган маҳаллардаям Тиббиёт институтларида Шарқ табобати, қолаверса, буюк табиб ибн Сино илми деярли ўқитилмасди. Ахир унинг бетакрор бойликларини биз бўлажак дўхтирларга фан сифатида ўқитсак фақат ютамиз-ку! Ана сизга катта сабоқ, катта илм дунёси.

Экстрасенслар хусусида... нима дейин, тўғри, улар орасида илмли, саводлилари ҳам кўп. Лекин сохта табиблари қўпайиб кетяпти, шундан қўрқаман...

***

— Ўрдага бормоқчи эдим?

— Пуллик поликлиника қаерда?

— Касалимни бир кунда аниқлаб берармикан?

— Пули қиммат эмас-ов?

...Бундай турли хил савол-жавобларни кўп эшитамиз. Билсак айтамиз. Билмасак-елка қисамиз. Пойтахтнинг ҳар бир буржида, қолаверса, катта дарвозалар саналмиш "Жанубий" ва "Шимолий" темир йўл вокзаллари ёхуд "Тошкент" ё "Самарқанд" автошоҳбекатларида ҳам бу шифо масканини сўраб суриштирувчилар кўп. Ана шунда сўраганларга Ўрдада бир "Ўзбекистон" бор!, – денг...

Норқобил ЖАЛИЛ,
"Ўзбекистон овози" махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Бирлашма директори Малика Жунайдуллаева. Бинонинг умумий кўринишн. Ультратовуш билан ташҳис қўйиш хонаси дўхтири Шоҳида Аҳмаджонова.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

СИЗЛАР УЧУН, ТАДБИРКОРЛАР!

ЯНГИ ЙИЛДА—

КАССА АППАРАТЛАРИ БИЛАН

MZ PACIFIC CO.
&
"АЛ-ФАРОСАТ"
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
БАРЧАГА БАХТ-САОДАТ
ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ!

ҲАР ДОИМ КЕНГ ТУРДАГИ
"SHARP", "SAMSUNG", "ROYAL
КАССА АППАРАТЛАРИ МАВЖУД.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41
(ўн олти қаватли
"Шарқ" биноси, 4-қават).

Телефонлар: (3712)
33-91-92
33-65-07
32-55-18

ТОШКЕНТДАГИ ТАШКИЛОТ

Томат пастаси, турли қиёмлар,
ширин қуюлтирилган сут маҳсулотлари
тайёрланадиган кўп профилли қурилмани

ХАРИД ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Агар керак бўлса,
бу қурилмани ўрнатиб,
ишга ҳозирлаб беради

Телефонлар:
45-75-67, 45-75-58
Факс: 45-75-23

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент, Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 706-хона. Халқлар дўстлиги саройи яқинида.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— 100 фоизли акустик сода;
— пўлат ванналар;
— 3 фазали қуввати 0,6 кВт.дан 55 кВт.гача бўлган минутига 750 дан 3000 мартагача айланадиган асинхрон электродвигателлар;
— ОКСТ 67114 гидравлик пресси;
— мевани думидан ажратувчи А9-КЧЭ машинаси;
— ЭВЦ-4 чуқурлик насослари;
— ФКУ-3 колбаса цехи;
— турли ҳажмдаги чархлаш доиралари;

СОТИБ ОЛАДИ:

— кабель маҳсулотлари;
— кундузги ёритгичлар;
— магнитли ишга тушурувчилар;
— қуввати 0,8 кВт, минутига 1000 мартагача айланадиган ТО-31 электродвигателлари;
— қуввати 1,1 минутига 1000 мартагача айланадиган ТО-32 электродвигателлари;
— халқ истеъмоли молларини.

Қизиқарли тижорат таклифларини кўриб чиқамиз.

Кран ишларини бажарамиз.

Манзилгоҳ:
Фурқат кўчаси, 1-уй, 8-қават, 706 хона.
Йўналиш: Халқлар дўстлиги саройи.
Телефонлар:
45-75-58, 45-75-67
Факс: 45-74-23.

Ғаройиб дунё

ЮГУРИШМИ, ЮГУРИШ!

Марокаш қумликларида марафон ўтказилганда, унинг и чилари саҳродаги чидаб бўлмас иссиқликда 200 километр м чопиб ўтишди.

Ҳар бир спортчи озиқ-овқат ва 7 литрдан сув олди. 1 сақланиш учун уларнинг кўпчилиги бедуинларга ўхшаб, бо оқ рўмолча ўраб олишди. 63 иштирокчи орасида аёллар ҳа маррага франциялик Бернер Годен 19 соату 24 дақиқада ет

***

Икки нафар инглиз ёшлари — Генри Уайн ҳамда Робин узоқ муддатли югуриш ўтказганлардан. Улар 3 ярим йил турли шаҳар йўллари бўйлаб югурдилар. Шу давр мобайни билан Робин Оврўпо, АҚШ, Мексика ва бир қанча Осиё да (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва Индонезия) ҳамда А йўлларида 25750 километр масофани чопиб ўтганлар.

Улар ўзлари учун қуйидагича кун тартиби тузишган эд кунда 32 километр югуриш, ҳар учинчи кунда эса тўлиқ д Бундай тартиб уларни маррага соғ-саломат етиб келишла да берди.

***

1982 йилнинг 21 февраль куни Нью-Йорк ша ўйингоҳлардан бирининг югуриш йўлкасида спорт тарихи мусобақа ўтказилганди. Беллашувнинг қоидасига биноан 24 соат давом этиб, энг тез чопган эмас, балки энг кўп югурган киши ғолиб ҳисобланарди. Эрталаб соат 10 да 14 мусобақани бошлаб берган бўлса, бир кун ўтгач, эрталаб улардан атиги 7 киши қолганди. Шу вақтда биринчи ўрин етган Жеймас Сандрес рақибларидан анча ўзиб кетг ғаройиб беллашувда биринчи ўринни эгаллашга ҳеч ким қолмаганди. Мусобақа ҳакамларининг келишувига биноан муддатидан бир соат олдин тўхтатилди. Бу пайтда Сан километр чопиб қўйганди. Ғолиб 100 доллар мукофот ол унинг учун энг зўр соврин стадион тўла ишқибоз қарсаклари эди.

***

Ҳиндистонлик 4 ешли Пая Ладху исмли қизчанинг с муваффақияти янада ажабланарлидир. Ладху марафонча ю ўзига хос натижа кўрсатган. У 21 километр масофани 2 дақиқада босиб ўтди. Албатта, бу жаҳон рекорди эма қизчанинг югуриш билан бир неча ой аввал шуғуллана бошл ҳам унутмаслик керак.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон жамғармаси таниқли шоир ва драматург, Ўзбекистон Ё уюшмасининг котиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси таргиботи бюросининг директори Тўра Мирзо Жабборовга

Дадамирза
ЖАББОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қил

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-16; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.0. Г—1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.